

31. Назарова Н. Ш., Жуматов У. Ж., Касимов М. М. Состояние местной иммунологической реактивности полости рта у работающих в табачководческой промышленности // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2014. – №. 4. – С. 18-20.
32. Abduganieva, Shaxista, and Lutfinisa Fazilova. "The use of asymmetry and excess estimates to verify the results of medical observations on indicators for normality." *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)* 10.1 (2021): 79-83
33. Schraudolph, N. N. Fast Curvature MatrixVector Products for Second-Order Gradient Descent. *Neural Comp.*, 2002, 14, pp. 1723–1738.
34. Mingliqulov Z.B. Turli tegishlilik funksiyalarida neyronoravshan to'rtinchi o'qitish va sinflashtirish masalalarini yechish // Материалы Республиканской научно-технической конференции «Современное состояние и перспективы развития информационных технологий». Tashkent. – 2011. –s. 347-352.
35. Iskandarova S.N. To recognize the manuscript texts of Arabic letters in ancient Uzbek script//World scientific news an international scientific journal. – Polsha, 2019. Vol.115. –P.160-173
36. Iskandarova Sayyora Nurmatovna Line and word segmentation for arabic handwritten text// International Journal of Computer Science and Engineering Information Technology Research. –India, 2020. Vol. 10, Issue 2, – P. 67-78
37. Turaqulov Sh. & Iskandarova S. Creation of arab graphic writings recognition program// International Journal of Computer Science and Engineering. –India,2021. Vol. 10, Issue 1, –P. 1–10

## **ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ РОЛИ**

*Пулатов Хабибулла Хайруллаевич<sup>1</sup>, Норбутаева Малохат  
Курбоновна<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>ТТА, кафедра Одам анатомияси ва ОХТА, т.ф.н., доцент  
e-mail- [habibulloputatov3@gmail.com](mailto:habibulloputatov3@gmail.com)*

*<sup>2</sup>ТТА, кафедра биотиббийт мухандислиги, информатика ва биофизика,  
ассистент*

*[e-mail-norbutayeva.malohat@gmail.com](mailto:norbutayeva.malohat@gmail.com)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўқитишнинг интерфаол услублари, талабаларда фикрни бир жойга жамлаш, мустақил фикрлаш, талабалар диққатини жалб этиш, тафаккурини ривожлантириш каби билим олиш учун муҳим омилларни шакллантирилиши, талабалар амалий машғулотларда ҳам интерфаол усуллардан самарали фойдаланиши ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** интерфаол усуллар, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари, кластерни тузиш қоидаси, концептуал жадвал, балиқ скелети чизмаси, “Пирамида”, “Поғона”, “Венн диаграммаси”, интерфаол ўйинлар.

## **РОЛЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ**

*Пулатов Хабибулла Хайруллаевич<sup>1</sup>, Норбутаева Малохат Курбановна<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>ТМА, кафедра анатомии человека и ОХТА, к.м.н., доцент*

*e-mail - [habibullopulatov3@gmail.com](mailto:habibullopulatov3@gmail.com)*

*<sup>2</sup>ТТА, кафедра биомедицинской технологии, информатики и биофизики, ассистент*

*[e-mail-norbutayeva.malohat@gmail.com](mailto:e-mail-norbutayeva.malohat@gmail.com)*

**Аннотация.** В этой статье интерактивные методы преподавания, студентов, студентов, независимого мышления, привлечения внимания учащихся, развития студентов, сообщили, что студенты будут использовать интерактивные методы практического обучения.

**Ключевые слова:** интерактивные методы, методы работы в небольших группах, таблица кластеров, концептуальная таблица, «Пирамида», «Диаграмма Венн», интерактивные игры.

## **THE ROLE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGY IN THE INCREASING QUALITY OF EDUCATION**

*Pulatov Xabibulla Xayrullaevich<sup>1</sup>, Norbutaeva Maloxat Kurbanovna<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>ТМА, department of human anatomy and operative surgery and topographic anatomy Phd associate professor*

*e-mail - [habibullopulatov3@gmail.com](mailto:habibullopulatov3@gmail.com)*

*<sup>2</sup>ТМА department of biomedical technology, IT and biophysics, assistant*

*[e-mail-norbutayeva.malohat@gmail.com](mailto:e-mail-norbutayeva.malohat@gmail.com)*

**Resume.** In this article, interactive methods of teaching, students, students, independent thinking, attracting students of students, and the development of students, said that students will use interactive methods of practical learning.

**Key words:** interactive methods, working methods in small groups, clusters table, conceptual table, “pyramid”, “diagram”, interactive games.

**"Фикрлаш-барча нарсанинг бошланиши. Фикрлашни бошқариш мумкин. Шунингучун ҳам комилликка эришишнинг асосий йўли - фикрлаш устида ишлаш демак..."**

**Л.Н.Толстой**

Хозирги замон талабларига мос, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий Қадриятларимизни таълим тизимига татбиқ эта оладиган ўқитувчидан эндиликда миллий дастур талабларига хос янгича ёндошув, янгича методика ва янгича касб маҳорати талаб қилинади.

Таълим технологияси - бу ривожланаётган таълим жараёнини, муаммоли ўқитиш вазифасини фаол ўрганиш жараёнини рағбатлантириш, тадқиқот ишлари олиб бориш, тафаккурлаш усулини таркиб топтиришдан иборат. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашиш, педагогнинг ўқитишнинг усуллари ва йўлларининг энг тизимини танлай олган ҳолда дарс жараёнининг тўғри ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Ижодкор ўқитувчи эса ўз соҳаси бўйича янгича педагогик технология методикасини ажрата олмоқи ҳамда уни амалда самарали қўллай олмоғи лозим.

Мустақил шуғулланишга, изланиш ва қидиришга ёрдам берадиган педагогик йўналишлардан бири бу интерфаол усуллардир. Талабаларнинг таълим даражасини ошириш, чуқур фикрлашга йўналтириш, муаммо юзага келганда шароитга кўра тез хулоса қилиш каби кўникмаларини ривожлантиришда ва мавзунини яхши эслаб қолишлари учун тестлар, вазиятли масалалар қаторида интерфаол ўйинлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўқитишнинг интерфаол услублари-билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Бу услублар талабаларда фикрни бир жойга жамлаш, мустақил фикрлаш, талабалар диққатини жалб этиш, тафаккурини ривожлантириш каби билим олиш учун муҳим омилларни шакллантиради. Талабалар қизиқиб, ўзлари англамаган ҳолда янгиликни осон ўзлаштирадилар, эслаб қоладилар, ҳар хил вазиятларда ўзларини тутишни ўрганадилар.

Вазифалари:

- ўрганувчиларда ўрганилаётган мавзуга қизиқишни ҳосил қилиш;
- ўқув материални ўзлаштиришни янада мустаҳкамлашга эришиш;
- аналитик тафаккурни ривожлантириш;
- коммуникатив кўникмаларни шакллантириш;
- ўқув жараёнига барча ўрганувчиларни жалб этиш учун шарт - шароитлар яратиш;
- ўқув гуруҳида соғлом психологик муҳитни таъминлаш.

Талабалар амалий машғулотларда ҳам интерфаол усуллардан самарали фойдаланадилар.

Жумладан:

I. Кичик гуруҳларда ишлаш усуллари: "Ақлий ҳужум", "Ким кўпроқ, ким тезроқ?", "Ари уяси", "Заиф ҳалқа", "Муаммонинг ечими", "Ручка - стол ўртасида", "Ўргимчак ини", "Юмалоқ стол атрофида" ва ҳ.к.

II. Ўқув жараёнини такомиллаштириш усули: "Вазиятли масалалар ечиш", "Ролли ўйинлар ўйнаш".

III. Ечиши лозим бўлган масалаларни ҳал этишда қўлланиладиган усуллар - ахборот технологиясини қўллаш (интерфаол CD - диск, интернет маълумотлари, PowerPoint компьютер программаси).

Бу турларни танлашда талабаларнинг курслари ҳисобга олинади, яъни, қуйи курсларда кичик гуруҳларда ишлаш ва ўқув жараёнини такомиллаштириш усуллари қўлланилса, юқори курсларда эса юқорида келтирилган барча усуллардан фойдаланилади.

Шунингдек, амалий машғулотларда графикли органайзерлардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Графикли органайзерлар (ташқил этувчи) - фикрий жараёнларни кўргазмалар тақдим этиш воситаси ҳисобланади.

1.Кластер - (Кластер-тутам, боғлам) - ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Талабалар Кластерни тузиш қондаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз в таклифлар кичик доирачалар "йўлдошлар" ёзиб қўшилади. Уларни асосий сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

2. Тоифалаш жадвали.

Тоифа - хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштири кўникмаларини ривожлантиради

3.Концептуал жадвал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради

4."Нима учун?" схемаси - муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

5.Балиқ скелети чизмаси - бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

6.Қуйидан юқорига босқичма - босқич бўйсунувчи "Қандай?" диаграммаси. Муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олиш имконини берувчи, мантиқий саволлар занжири. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Юқорида келтирилган каби яна кўплаб, "Пирамида, "Поғона", "Венна диаграммаси" ва бошқа графикли органайзерлардан амалда кенг қўлланилади.

Амалий машғулотларда интерфаол ўйинлар ва графикли органайзерларни қўллаш натижасида шундай хулосаларга келинди:

1. Аниқ қўйилган муаммони тез ва ўз вақтида хал қилинади. Ҳар бир ўқувчи дарсда, фаол ва қизиққан ҳолда ишлаши ўз навбатида, уларда изланувчанликни, чуқур ўрганувчанликни яратади.

2. Ўқувчиларни ўз фикрини ўртага ташлаш, дискуссия ва муҳокамаларда иштирок этиш, бир-бирига ва ўқитувчига саволлар бериш, синифдошларининг жавобларини муҳокама қилиш қўйилаётган масалаларнинг ечимини тўғри топишда ёрдам беради. Шу билан бирга талабаларда ўрганилаётган мавзунини қабул қилиш ва эслаб қолиш, диққатини жалб қилиш ва мантиқий фикрлашни жамлайди.

3. Машғулотларнинг асосий технологик жиҳати-ўқув жараёнининг сўнги натижаларига йўналтирилганлигини кузатишдан иборатдир, яъни ўқувчиларнинг ўз имконияти даражасига мос, қафолатланган билим олишишига қаратилган. Бу эса машғулотларни ўзлаштириш ва ўқувчилар билимининг индивидуаллашувига олиб келади.

Ўқитувчининг касбий камолатга эришувининг энг юқори поғонаси педагогик маҳоратини белгилайди. Маҳоратли ўқитувчи эса ҳамisha илғор тажрибаларни тезда ўзлаштириб олади. Шунинг учун (технология ) тушунчаси таркибига "янгича, илғор изланувчанлик, ижодкорлик, касб тафаккури" каби тушунчалар сингдирилади. Бу тушунчаларнинг ривожини педагогик маҳоратида кўрилади. Демак, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашиш, педагогнинг ўқитишнинг усуллари ва йўллариининг энг тизимини танлай олган ҳолда дарс жараёнининг тўғри ташкил этиши муҳим роль ўйнайди.

Интерфаол ўйинлар ўқитишнинг анъанавий усулини тўлдирди ва бойитади, талабаларнинг билим олишларига ижобий таъсир этади, ақлий фаолиятининг ошишини шакллантиради. Бу усулларни доимо қўллаш талабаларнинг билим савиясини мукамаллаштиришда яхши самара беради.

Демак, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашиш, педагогнинг ўқитишнинг усуллари ва йўллариининг энг тизимини танлай олган ҳолда дарс жараёнининг тўғри ташкил этиши муҳим роль ўйнайди.

Зотан, педагогик технология-бу ўқув жараёнини тўлиқлигича эгалловчи лойиҳа, яхлитлилик, натижа, яъни, ўқув жараёнини инсон ва техник

имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсад, натижага йўналтирилган жараёндир?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Учебные игры один из активных методов обучения в медицинском вузе. Педагогические основы игры. Методические рекомендации. М.А. Алексанян, И.К. Валиулин, О.П. Шагайдулина. Ташкент 1996 г.

2. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Методическая рекомендация к проведению занятий со слушателями ЦПК медицинских вузов. Ташкент 2004 г.

3. Педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-2006 й.

4. Педагогик технологияларни тиббиётда лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент-2010 й.

### **RAQAMLASHTIRISH MASALALARI: XORIJIY TAJRIBANI QO‘LLASH.**

*Ubaydullaeva Vazira Pachchaxonovna, Latipova Komila Dalimbekovna*

*Toshkent tibbiyot akademiyasi,*

*«Biotibbiyot muxandisligi, informatika va biofizika kafedrasini» assistentlari*

*e-mail: latipova-kamila@mail.ru*

**Annotatsiya:** Raqamli transformatsiya endi inqirozga qarshi boshqaruv vositalaridan biri sifatida tan olinishi mumkin. Tadqiqot mavzusi - xorijiy kompaniyalarda raqamli biznes transformatsiyasini qo'llash tajribasi. Raqamli texnologiyalarni rivojlantirishning yangi tendentsiyalari hamda ularning xorijiy kompaniyalarda ro'yi berayotgan biznes jarayonlarini o'zgartirishga ta'siri tahlil qilindi.

**Kalit so'zlat :** raqamli tibbiyot, telemeditsina, sog'liqni saqlash axborot tizimi

### **ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ: ПРИМЕНЕНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА.**

*Убайдуллаева Вазира Паччахоновна, Латипова Комила Далимбековна*

*Ассистенты кафедры «Биомедицинской инженерии, информатики и*

*биофизики»ТМА.*

**Аннотация.** Цифровая трансформация уже сейчас может быть признана одним из инструментов антикризисного управления. Тема исследования – опыт применения цифровой трансформации бизнеса в зарубежных компаниях. Проанализированы новые тенденции развития цифровых технологий и их влияние на изменение бизнес-процессов в зарубежных компаниях.